

МУЗЕЙ МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ЎЧОҒИ.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг

илмий ходими Зулфия Комилова.

Музейлар –ўз жамланмаларида инсоният пайдо бўлган даврдан бошлаб токи ҳозирги фан-техника равнақ топган давргача бўлган халқимизнинг маданий меросини сақлаб келмоқда.Буларнинг орасидаги энг қадимий ва миллий хунармандчиликларимиздан ҳисобланган кулоллик,ёғочсозлик, кўнчилик, заргарлик,рихтагарлик,темирчилик,каштачилик каби ўнлаб ота-боболаримиз мероси бўлган,кейинчалик бизга мерос бўлиб келган хунармандчилик ва бу хунармандчиликнинг қадимий наъмуналари музейларимиз хазинасидан ўрин олган.Музей кўргазмаларида намоиш этилаётган қадимий асори-атиқалар фақатгина буюмларгина эмас,балки ота-боболаримиз тафаккури махсули ҳам ҳисобланади.Экспозитцияларни томоша қилар эканмиз унда намоиш этилаётган ҳар бир қадимий буюмнинг кўриниши,моҳирона безаклари билан бирга ишлатиш одобини ҳам ўзида мужассам этганини сиз ва биз беихтиёр хис этамиз.Ҳар бир буюм деталида инсон заковати намоён бўлади.Жумладан мисдан ясалган чилопчин ва обдаста ёрдамида меҳмонни қўлига сув қуйиш одобини намоён этилади.Сув қуйган кишини қўли кўксида турган ҳолатида бир қўли билан сочиқ узатиш жараёни жуда гўзал одатларимиздандир.Никоҳ тўйларидаги келин-куёв томонидан мис пиёлалардаги асал қиёмлари билан бир-бирини илк меҳмон қилиш,сўзана ортидаги висол,келин – куёв либосларининг миллийлиги ўзига ҳос равишда маънавий одоб-ахлоқларимиз анъанавийлигидир.Таълим-тарбия жараёнида ёш авлодга жамиятда яшаш ва фойдали ҳисобланган фаолият билан шуғулланиш пайтида ота-оналар,қариндошлар,катталар ва ёшлар,жамият аъзолари ўзоро мулоқотда бўлиш пайтида зарур бўлган одоб-ахлоқий мезонларни амалга ошириш янада осонроқ жараёни юзага келтиради.Демак музейлардаги барча қадимий буюмларнинг заминида мантиқий маънолар борлигини ёш авлод онгига етказишимиз даркордир.Инсонларда мавжуд неъматларнинг ҳаммасидан энг улуғи бу одоб неъматидир.Одобни фарзандларимиз дастлаб оиладан,ота-онасида,кейинчалик

жамиятдан олади. Ота-онасидан ва шунингдек жамиятдан одоб олиб вояга етган бола жамият учун энг керакли бўлган фуқоро бўлиб етишади. Ўғил болаларга тарбия бериш нақадар зарур бўлса, қиз болаларга ҳам ахлоқ-одоб бериш унданда зарур ҳисобланади. Шу ўринда жамиятимизда хулқи билан турли касбларда ном қозонган ўғил-эркакларимиз эл ардоғида бўлиб келишган. Бундай таҳсинга сазоворларнинг оиласидан солих ва силиха фарзандлар етишиб чиқиши албатта кутилади. Шу ўринда яна одоб-ахлоққа эга фарзандларни отагина эмас, балки асосан она томонидан ҳам тарбия ўғитлари берилишини барчамиз унутмаслигимиз даркордир. Етук инсонни вояга етказишда аввало фарзанднинг дунёга келган кунидан бошлаб бериладиган одатларга эътибор бериш катта аҳамияга эгадир. Гўдакни шартли рефлекс, гигиена, овқатланиш миёри, либосларини қулайлиги миёри, оилавий муҳитни соғломлиги жуда муҳим ҳисобланади ва шартдир. Онанинг гўдакни дунёга келтирган кунидан бошлаб токи фарзанди вояга етгунга қадар маъсулияти отадан ҳам каттароқ, кўпроқлигини барчамиз биламиз. Чунки бола кўп вақтини она билан ўтказади ва ота моддий етишмовчиликни етказаётганини ўзига яраша ташвишлари бўлади. Фарзанд-ларимиз таълим-тарбияси давомчилари бу боғчадан сўнг мактабдир. Мактаб дарсликлари билан бирга олиб бориладиган одобнома дарслари таълим билан чамбар-чаft боғланиши натижасида ўқувчида кундалик ижобий рефлексларни ҳосил этади. Оиладаги носоғлом муҳит эса бола тарбиясининг бузулиши, тарбиясизлик ва одобсизлик ботқоғига ботишига сабаб бўлиб қолади. Ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган маънавий ва ахлоқий покланиш, имон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат ва шу каби фазилатлар бизнинг онгимизга ўз-ўзидан келиб қолмайди. Буларнинг заминида таълим-тарбия ўғитлари ётади. Тарбия жараёнида ёш авлодларга жамиятда яшаш ва фойдали фаолият билан шуғулланиш пайтида ота-оналар, қариндошлар, катталар ва ёшлар, жамоа аъзолари билан ўзаро мулоқотда бўлиш пайтида зарурий ҳисобланган одоб ва ахлоқий мезонларга оид бўлган кўплаб тушунчалар бериб борилади. Мустақил юртимиз жамияти аъзоси бўлиб етишиш учун ҳар бир киши ҳалқимизнинг қадимий анъаналари ва удумларини, тилини, динини, маданиятини, санъатига оид бўлган маълумотларни ёзма ва оғзаки ижод наъмуналарини, одоб ва

ахлоққа оид мумтоз асарларни ўрганиш жуда ҳам даркордир. Демак ёш авлодда ана шундай миллий истиқлол мафкурасига мос равишда ижобий фазилатларни шакллантириш, ёмон одатлардан огоҳ этиш, маънавий авлодни етишиб чиқишида музейларимизнинг сайд-ҳаракатлари жуда таъсирлидир. Шу боис ҳам музейларда йил давомида ўтказиб бориладиган турли мавзулардаги тадбирлар орқали ёш авлоднинг баркамол одоб-ахлоқ нормаларига етишишлари учун замин яратади. Тадбирладаги ҳаёт тажрибасига эга бўлган катта ёшдагиларнинг маърузалари оз бўлсада ёшларни фикрлаш доирасини шакллантириб боради. Жумладан: табиат байрамларига оид тадбирларнинг ташкил этилиши ёшларда она-табиатга бўлган муҳаббатларини ўстиради ва табиат неъматларини асрашнинг нақадар муҳимлигини англашларига ёрдам беради. Атроф-муҳит софлиги инсоннинг яшаш тарзига таъсири борасидаги кўплаб манбааларни мутахассисларимиз томонидан етказиб берилади. Табиат кенг маънода барчамизнинг эҳтиёжларимизни барчасини қондирадиган ягона воситачи эканини болаларга гўдаклигидан бошлаб онгиларига сингдирилса, келажакда ватанини чин дилдан севувчи баркамол инсон бўлиб етишишларига тамал тоши қўйилган бўлади. Маънавият ва маърифат тушунчаси борасида фикр юритар эканмиз, шуни барчамиз биламизки маънавият тушунчаси заминиди “барча ахлоқий нарсалар, хусусиятлар, шунингдек, инсоннинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, диний, ахлоқий ва шу каби тушунчалари ва тасаввурлари моҳиятини англатади. Дарҳақиқат тажрибалардан келиб шуни айтишимиз мумкинки, маънавият инсон ҳаётининг ҳар бир дақиқаларида, қар бир лаҳзаларида кўзга ташланиб туради. Маънавий етук инсоннинг сийнатида барча фазилатлар, масалан ма-даният, маърифат, одоб, адолат ва ҳокимзолар маънавият уммонини вужудга келтириб боради. Шу билан бирга маърифати тўқис бўлган инсон дунёни, одамларни, жамиятда юз бераётган воқеаларни ўзида мавжуд бўлган маънавий қўрғонига таянган ҳолда кузатади. Шунинг учун ҳам маънавият-маърифат кенг маънода қалбларимизга кўплаб илоҳий туйғуларни берадиган, инсонгарчиликни, ватанпарварликни жой этадаган туйғудир. Ота-боболаримиз таржибаларига таяниб шуни билдира оламизки, ҳамма дард ва

мушкулотнинг давоси ирода ва маърифат, тўғрилиқ ва ҳалоллик, бугунида нафсининг айтганига кирган одам эртага ўзи-ўзига қул бўлиб қолиши, ёмонлик ҳеч қачон тугамослиги, яхшиликнинг ҳеч қачон унутилмаслиги, яхши инсон бўлиб яшаш машаққати-ю эзгулик учун бериладиган қурбонликлар, маънавий азоблар, изтиробу-хузурлар мантиқан мавжуддир. Кузатишлар шуни кўрсатадики, авлодларимизнинг ўртасидаги муносабатлар ҳам дастлаб оилада шаклланади. Бирор бир муаммони биргаликда муҳокама қилиш жараёнида ёшларда тажриба ортса, катталар янги фикрлардан хабардор бўлади. Ҳаётнинг оддий қоидаларидан бири борки, авлодлар аجدодларнинг шаънидан фахрланади, меросидан сабоқлар олади, катта ёшдагилар эса ўзидан кейинги авлоднинг ҳар бир ютуғидан ғурурланади. Лекин бу борада мавъсулиятлар албатта катталарнинг зиммаси-га тушиши табиийдир. Шу боис ҳам ёш авлод ота-боболаридан ўрнатилган қоидаларни қатъиян қўйиб, ҳар бир халқ тарихи ва маданияти, миллий ўзлиги ифода этадиган қадриятлари муҳим тарбия воситаси ҳисобланади. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида, аجدодларимиз томонидан яратилган моддий ва номоддий маънавий бойликлар замирида битмас-туғалмас хазина-ёшлар онига сингдириладиган, уларни баркамол авлод қилиб тарбияладиган бебаҳо омиллардир. Юқорида таъкидланганидек, агар иқтисодий ўсиш, тараққиёт-жамиятимизнинг танаси бўлса, маънавият – маърифат ва сиёсий онг етуқлиги унинг руҳи, ақли ва жонидир. Буюк давлат, буюк келажагимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айтилиши вақтда ўзимизнинг ўтмишимиз, улуғ ҳисобланиб келаётган турли қадриятларимиз, миллатимиз билан фахрланадиган, буюк келажагимизни яратилишига ўз ҳиссасини қўшадиган авлодларни тарбиялаш нафақат музейларнинг, балки оилани, маҳалланинг, мактабнинг, жамиятнинг бош бўлган мезондаги вазифаларидандир. Соғлом бола, соғлом авлод орзуси аجدодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон - қонимизга сингиб кетган азалий интилишдир. Агар ота-боболаримизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар солсак, улар инсоннинг насл-насабига, етти пуштининг тозаллиги, ҳар бир халқ улкан дарахтга ўхшайди. Унинг илдизлари нақадар теран бўлса, қадди – басти ҳам шунга яраша улуғ бўлади. Маънавият ва маърифат халқнинг ана шундай ўқ томиридир. Бу илдизлардан сув ичган авлод асло кам бўлмайди. Кўзлаган муродига ҳам шу қувват билан етиб

боради. Халқнинг нияти унинг тақдири учун жуда ҳам кўп нарсаларни белгилаб беради. Халқнинг маънавий камоли ҳам, моддий истиқболи ҳам, қўйинки шу элга раҳнамо бўлиб келадиган раҳбар ҳам шу элнинг истагларига доимо боғлиқ ҳисобланади. Улуғ мутафаккирларимиз таъкидлаганларидек, инсониятни маънавий – маърифий тарбияси етаклайди. Мустақиллик давридаги миллий тарбия асосини авлодлар ворислиги ташкил этади. Ёшларнинг онгу шуурига катталарга ҳурмат, ишда, одамлар билан муомула-муносабатда ота-онамиздан ўрнак олиш, ота-боболаримиз бошлаган ижобий ишларни давом эттиришдек олий-жаноб туйғуларни сингдирилмоқда. Бугунги кун шароитида маънавият ва маърифат тизими давлат бошқаруви органлари, корхона, ташкилот, муассасалар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ягона тизим сифатида фаолият кўрсатмоқда. Бу тизим болаларнинг мактабгача тарбия олишини, умумий ва махсус, ҳарбий билимга эга бўлган ёшларнинг шахс сифатида маънавий ва ахлоқий камол топишларини таъмин этади. Истиқлол йилларида кўплаб давлат дастурларида болалар таълим-тарбияси, оилада соғлом муҳитни, унинг иқтисодий ва маънавий – ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш билан боғлиқ барча масалалар ўз ифодасини топмоқда. Чунончи ҳар қайси шахс, аввало ёш авлод қалбида жамият, эл-юрт, қўйинки, ота-она олдида масъулият уйғотиш, иймон ва ирода тушунчала-рини муҳтаҳкамлаш ҳаётимизни янада раванқ топиши муҳимдир. Давлатимиз раҳбари доимо таъкидлаб ўтганларидек, фарзандларимизни собитқадам, ҳақиқий ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор беришимиз даркор. Шундай экан ҳулоса қиладиган бўлсак, ёш йигит-қизларнинг мамлакатимизда ва дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан хабардорлигини ошириш, билим даражаси ҳамда дунёқарашини боитиш, ўқув ва бадиий адабиётларга бўлган эҳтиёжини қондириш лозим ҳисобланади. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга оид маънавий-маърифий ишларни доимо давр руҳига мос тарзда муттасил равишда такомиллаштириб, шакиллантириб бориш давр талабларидан биридир.

Фойданилган адабиётлар

1. “Маънавий ҳаёт” –тарихий-фалсафий,маънавий-маърифий,илмий-оммабоп журнал- 2022-йил сонлари.
2. “Фуқаролик жамияти”-умумназарий,ижтимоий-сиёсий,ҳуқуқий журнал.
3. “Тафаккур” - ижтимоий-фалсафий,маънавий-маърифий журнал.
4. Ўзбекистон Республикасининг Миллий энциклопедияси.